

Источники и список источников и литературы:

1. Ануреев С.В. Платежные системы и их развитие в России. – М.: Финансы и статистика, 2004. с 16.
2. Березина М.П. О взаимосвязи платежной системы и инфляции в России. //Финансы. -1999. №3. С. 35-41.
3. Муссель К.М. Платежные технологии: системы и инструменты: научно-популярное издание / К.М. Муссель. – М.: КНОРУС: ЦИПСур, 2015. — 288 с.
4. Криворучко С.В. Национальная платежная система: структура, технологии, регулирование. Международный опыт, российская практика: С.В. Криворучко, В.А. Лопатин. – М.: КНОРУС: ЦИПСур, 2013. — 456 с.
5. Автореферат диссертации на соискание ученой степени д-ра экон. наук. /С.-Петербургский университет экономики и финансов. – СПб.: 1996. - 29с.
6. Липис А., Маршалл Т., Линкер Я. Электронная система денежных расчетов. – М., 1988. – 470 с.
7. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И. Банковское дело. – М.: КНОРУС. – 2009. – 768 с.
8. Белоусова В.Ю., Усоскин В.М. Платежные системы и организация расчетов в коммерческом банке. – М.: Издательский дом НИУ ВШЭ, 2012. – 192 с.
9. Обаева А.С. Национальная платежная система: формирование и направления развития. // Деньги и кредит – 2008. - № 3. – С. 11.
10. Брюс Д. Саммерс Платежная система в условиях рыночной экономики. // Платежная система: структура, управление и контроль / Под. Ред. Брюса Д. Саммерса – МВФ, 1994г. – 2 54 с.
11. Поль Ван ден Берг Операционная и финансовая структура платежной системы. // Платежная система: структура, управление и контроль / Под. Ред. Брюса Д. Саммерса – МВФ, 1994. - 254с.
12. Малышева Е.Н. Платежная система России как национальный институт безналичных расчетов: Дис. ... канд. экон. наук: 08.00.10. – Волгоград, 2003. – 201 с.
13. REGULATION OF THE EUROPEAN CENTRAL BANK (EU) No 795/2014 of 3 July 2014 on oversight requirements for systemically important payment systems (ECB/2014/28) // Official Journal of the European Union L 217, 23.7.2014.
URL: https://www.ecb.europa.eu/ecb/legal/pdf/oj_jol_2014_217_r_0006_en_txt.pdf? 23dfe6a7d89abf_28f30654b371afddaе (дата обращения 26.05.2017).
14. Березина М.П. Современные тенденции развития платежной системы России / М.П. Березина. // Банковское дело, 2010. – № 8. – С. 16-22.
15. Рыбакова Г.В. Международные платежи. Иллюстративный материал к курсу. – Новосибирск, 2014.).
16. Закон Республики Узбекистан, от 01.11.2019 г. № ЗРУ-578 «О платежах и платежных системах».
17. <https://www.bis.org>



ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА МАХСУС ЖАМҒАРМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a29

Жумабоев Акмал Муродович -
ТДИУ мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини молиялаштиришда уларнинг мақсад ва вазифаларига монанд ҳолда республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларини амалга ошириш мақсадида турли хил фондлар ташкил қилинган. Булар жумласига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кабиларни киритиш мумкин.

Мазкур мақолада ёшлар ташкилотларини молиялаштиришда турли хил мақсадли жамғармаларнинг Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини ҳамда давлатнинг ёшларга оид сиёсатини молиялаштиришни амалга оширишда бу каби жамғармаларнинг аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Калим сўзлар: молиялаштириш, жамғарма, ёшлар, ёшлар ташкилотлари, “Ёшлар дафтари”, молиялаштириш манбаи, харажат, харажат йўналишлари, маҳаллий бюджет, прогноз, давлат гранти, кредит линиялари, тижорат банклари, тадбиркорлик, фойз ставкаси.

ЗНАЧЕНИЕ СПЕЦИАЛЬНЫХ ФОНДОВ В ФИНАНСИРОВАНИИ МОЛОДЕЖНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ В ОТНОШЕНИИ МОЛОДЕЖИ

Жумабоев Акмал Муродович -
независимый исследователь ТГЭУ

Аннотация. В целях финансирования молодежных организаций в Узбекистане, схожих по своим целям и задачам, в стране созданы различные фонды для реализации важных направлений государственной молодежной политики. К ним относятся Фонд развития под эгидой Союза молодежи Узбекистана, Фонд «Молодежь за наше будущее» при Союзе молодежи Узбекистана, Фонд поддержки молодежи, который включен в Книгу молодежи.

В данной статье анализируется роль таких фондов в финансировании молодежных организаций в финансировании молодежных организаций Узбекистана, а также государственной молодежной политики.

Ключевые слова: финансирование, фонд, молодежь, молодежные организации, молодежная книга, источник финансирования, стоимость, направления расходов, местный бюджет, прогноз, государственная субсидия, кредитные линии, коммерческие банки, предпринимательство, процентная ставка.

THE IMPORTANCE OF SPECIAL FUNDS IN THE FINANCING OF YOUTH ORGANIZATIONS AND STATE POLICY FOR YOUTH

*Jumaboev Akmal Muradovich -
Independent researcher of TSUE*

Annotation. In order to finance youth organizations in Uzbekistan, similar in their goals and objectives, various funds have been created in the country to implement important areas of state youth policy. These include the Development Fund under the auspices of the Youth Union of Uzbekistan, the Youth for Our Future Foundation under the Youth Union of Uzbekistan, the Youth Support Fund, which is included in the Book of Youth.

This article analyzes the role of such funds in the financing of youth organizations in the financing of youth organizations in Uzbekistan, as well as the state youth policy.

Key words: financing, fund, youth, youth organizations, youth book, source of financing, cost, directions of expenditures, local budget, forecast, state subsidies, credit lines, commercial banks, entrepreneurship, interest rate.

Кириш. Ҳар бир субъект фаолиятининг бошланиши, давомийлиги ва унинг қай даражада ривожланиши унинг молиявий асосларига боғлиқ бўлади. Бу қоида асосий мақсади фойда олишга қаратилган барча хўжалик юритувчи субъектлар билан бир қаторда фуқаролик жамиятининг асосий бўғини бўлган ёшлар ташкилотларига ҳам тегишлидир. Ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра, ёшлар ташкилотлари нодавлат нотижорат ташкилотлари қаторига кириб, ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш тузилмаси сифатида жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни шакллантириш, ёшларни ташқи таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилган иттифоқ ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида ёшлар ташкилотларини ўзида бирлаштирувчи ташкилот Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бўлиб, у юридик шахс сифатида муаян миқдорда мол-мулкка эга бўлади ва ўз мажбуриятлари бўйича ана шу мол-мулк билан жавоб беради.

Ўзбекистонда ёшлар ташкилотларини молиялаштиришда уларнинг мақсад ва вазифаларига монанд ҳолда республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим йўналишларини амалга ошириш мақсадида турли хил фондлар ташкил қилинган. Булар жумласига Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси ва “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги махсус жамғарма кабиларни киритиш мумкин. Албатта, бу каби жамғарма-

ларни шакллантириш, уларнинг даромад манбаларини аниқлаш, унинг пул маблағлари ҳаракатини молиявий бошқариш, жамғармаларнинг маблағларини ёшлар ташкилотлари ва улар орқали ёшларнинг тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг ижтимоий йўналишлардаги муаммоларини ҳал этишда мазкур жамғармалар катта аҳамиятга эга бўлиб, бу жараёни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ўз илмий аҳамиятига эга.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ёшлар ташкилотларини молиялаштириш ва унда алоҳида олинган махсус жамғармаларнинг аҳамиятига оид тадқиқотлар хорижлик олимлар Дж.Фрай, В.Куин, С.Гамильтон[7], Л.Хорелли, Е.Фельдман, Р.Фатке, Г.Шнайдер, Дж.Костелло, М.Толлес, Дж. Шпильбергер, Дж.Винн, рус олимларидан А.Л.Арефьев, В.Н.Афоница, М.Ю.Калинкина, Н.М.Красникова, А.А.Мезенцева, А.С.Сафонова, О.В.Степанищенко, М.В.Стрежневанинг[11] илмий ишларида ўз аксини топган.

Жумладан, В.Н.Афонинанинг илмий тадқиқот ишларида Россия Федерациясида ёшлар сиёсатини молиялаштиришда айрим олинган мақсадли жамғармаларни ташкил этишнинг зарурлиги кўрсатиб берилган бўлса, М.Ю.Калинкинанинг илмий тадқиқот ишларида ёшлар ташкилотларини молиялаштиришнинг айрим олинган хорижий давлатлар тажрибаси таҳлил қилинган бўлиб, унда ёшлар сиёсатини амалга оширишда жамғармалардан маблағ сарфлашнинг айрим жиҳатлари қисқача ёритилган.

Таҳлил ва натижалар. Ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, ёшларни ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-ҳунарга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш ишларини самарали ташкил этишнинг доимий молиявий

манбалари ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги 5466-сонли “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-фармони билан “Yoshlar –

kelajagi-miz” давлат дастури тасдиқланди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси ташкил қилиниб, унинг даромад манбалари ва харажат йўналишлари этиб қуйи-дагилар белгилаб қўйилди:

1-жадвал

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармасининг даромад манбалари ва харажатларининг йўналишлари[19]

№	Даромад манбалари	Харажат йўналишлари
1.	Даромадларнинг прогноз қилинган қисмини ошириб бажариш ҳисобига республика бюджетидан 2018 йил июлда, 1 октябргача ва 1 декабргача тенг улушларда ажратиладиган 500 миллиард сўм миқдоридagi беғараз молиявий ёрдам (2018 йил учун)	Тижорат банклари орқали ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун 2019 йил 31 декабрга қадар – йиллик 7 фоиз ставкада, 2020 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасида, 2021 йил 1 январдан эса тижорат банклари томонидан бозор тамойиллари асосида мустақил равишда ўрнатиладиган ставкаларда кредит ва мол-мулкни лизингга бериш харажатлари
2.	Ҳар чорақда жамғармага ўтказиладиган, вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган йиллик тушум-ларнинг 1 фоизи миқдоридagi ажратмалар	Давлат дастури доирасида олинadиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафилликлар бериш билан боғлиқ харажатлар
3.	Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармасига ҳар ойда тушадиган маблағларнинг 10 фоизи	Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларида улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш харажатлари
4.	Маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари	Тегишли кўникмаларга эга, банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиш ва кейинчалик реализация қилишда қўмаклашиш харажатлари
5.	Ҳомийлар – жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари	Ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш билан боғлиқ харажатлар
6.	Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинadиган даромадлар	Савдо-маиший ва кичик ишлаб чиқариш майдонларини ташкил этиш учун меҳнат кучи ҳаддан зиёд бўлган туманларда “Yoshlar mehnat guzari” комплексларини қуриш харажатлари
7.	Қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар	Ёш тадбиркорларга имтиёзли шартларда бинолар, офис техникаси ва сарфлаш материалларини ижарага бериш, уларни интернет билан таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга оширишга бошқача қўмак бериш харажатлари

Келтирилган жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, “Yoshlar-kelajagimiz” давлат дастури жамғармасининг даромад манбалари ва харажатларининг йўналишлари турли туман бўлиб, бу жамғарманинг асосий мақсади мамлакатимизда ёшлар ташкилотларининг ёшларнинг инновацион ва тадбиркорлик фаолиятини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилгандир.

Маълумки, “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури бўйича лойиҳаларни молиялаштириш бир қатор белгиланган тижорат банклари томонидан амалга оширилиши, жумладан, АТ Халқ банки, ТИФ Миллий банки, Ҳамкорбанк АТБ ва Ипак йўли банки АИТБ линиялари орқали амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 2018-2021 йиллар давомида тижорат банклари

томонидан лойиҳаларни ҳудудлар кесимида молиялаштириш йўналишлари ва маблағлар ҳажми жиҳатдан таҳлил қилсак, таҳлил қилинаётган йилларда жами 8705 та лойиҳа молиялаштирилган бўлиб, уларнинг ҳажми 1858914,7 млн. сўмни ташкил этган. Жумладан, 2018 йилда 3162 та лойиҳага 408769,8 млн. сўм, 2019 йилда 3655 та лойиҳага 993441,5 млн. сўм, 2020 йилда эса 1818 та лойиҳа учун 427806,8 млн. сўмлик маблағ йўналтирилган бўлса, 2021 йилнинг дастлабки олти ойида 70 лойиҳага 28896,7 млн. сўм ажратилган. Агар бу йиллар давомида ёшлар ташкилотлари ва ёшларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга ажратилган молиявий қўмаклар натижасида яратилган иш ўринларига эътибор қаратсак, 42421 дан ортиқ иш ўринлари яратилган.

“Yoshlar – kelajagimiz” davlat dasturi b'ycha 2018-2020 yillar davomida tijorat banklari tomonidan loyiخالарни худудлар кесимида молиялаштириш тахлили[20] (млн. сўмда)

№	Худуд номи (вилоят, республика, шаҳар)	Жами молиялаштирилган лойиخالар (2018-2020 йиллар)								
		Ишлаб чиқариш			Хизмат кўрсатиш			Қишлоқ хўжалиги		
1.	Қорақалпоғистон	229	61356,2	1388	179	48017,9	1086	90	24008,9	543
2.	Андижон	420	81988,1	2017	328	64164,6	1579	164	32082,3	789
3.	Бухоро	272	43681,1	1242	213	34185,2	972	106	17092,6	486
4.	Жиззах	244	55706,9	1145	191	43596,7	896	96	21798,3	448
5.	Қашқадарё	374	78877,0	1898	293	61729,8	1485	147	30864,9	743
6.	Навоий	184	48489,2	763	144	37948,1	597	72	18974,0	299
7.	Наманган	247	70455,0	1450	193	55138,7	1135	96	27569,4	567
8.	Самарқанд	438	89517,2	2140	343	70056,9	1675	171	35028,5	838
9.	Сирдарё	195	21458,2	551	152	16793,4	431	76	8396,7	216
10.	Сурхондарё	421	71312,1	1742	330	55809,5	1364	165	27904,7	682
11.	Тошкент	287	70988,2	1526	224	55556,0	1194	112	27778,0	597
12.	Тошкент шаҳри	88	40994,6	848	72	33541,0	693	-	-	-
13.	Фарғона	371	71479,7	1996	290	55940,6	1562	145	27970,3	781
14.	Хоразм	250	55505,6	945	196	43439,2	740	98	21719,6	370
Жами:		4019	855100,8	19514	3149	669209,3	15272	1538	334604,7	7636

“Yoshlar – kelajagimiz” davlat dasturi қабул қилинган даврдан ҳозирги давргача бўлган ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, Давлат дастури доирасида ёшларнинг 8 635 та бизнес лойиخالарига жами 1 трлн. 830 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 42 421 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилишига эришилди. 2020 йилда ёшларнинг 1 818 та бизнес лойиخالарига жами 427,8 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш орқали 10 025 та янги иш ўрни яратилишига эришилди. Жумладан, Давлат дастури доирасида ишлаб чиқариш соҳасида 197,7 млрд. сўмлик 840 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 155 млрд. сўмлик 657 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида 75,1 млрд. сўмлик 321 та лойиҳа реализация қилинди. Давлат дастури доирасида кредит олиб, ўз фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорлар томонидан 4 млн. 630 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинишига эришилди ҳамда ушбу ёш тадбиркорлар томонидан давлат бюджетига йилига ўртача 100 млрд. сўмга яқин солиқлар кўринишидаги тушумлар амалга оширилди. Хусусан, 2020 йил давомида ёш тадбиркорлар томонидан 2 млн. 689 минг АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинишига эришилди. Шунингдек, Давлат дастури доирасида ёшларнинг жами 31,4 млрд. сўмлик 63 та лойиخالарига жамғарма кафиллиги тақдим этилиб, уларнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлашларига қўмаклашилди.

Агар кейинги йилларда давлатнинг ёшларга оид сиёсати доирасида ёшлар ташкилотларини молиялаштиришнинг кўламига қарайдиган бўлсак, унда харажатларнинг ижтимоий йўналтирилган даражаси ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Буни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

132-сонли қарори асосида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги ва унинг харажатлар йўналишининг кўпроқ ижтимоий характердалиги изоҳлайди.

Қарор билан “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш мақсадида туман ва шаҳарларда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг асосий манбалари сифатида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети; вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбаларнинг камида 15 фоизи миқдорида ҳар чоракда ажратиладиган маблағлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сонли фармонида кўра, 2020 йил 1 декабрдан бошлаб, жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадида ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағлар алоҳида ғазначилик ҳисоб рақамида жамланиб, вилоятлар кесимида 50 фоиз, Тошкент шаҳрида эса 30 фоиз миқдорида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун очилган ҳисоб рақамларига пропорционал тартибда йўналтириладиган маблағлар[5]; хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг техник кўмак маблағлари ва грантларидан келадиган молиявий маблағлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ва қонунчилик ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа манбалар кўрсатиб ўтилган[6].



1-расм. "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси харажат йўналишлари

Манба: мавжуд меъёрий ҳужжатлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Келтирилган 1-расмдан кўринадики, юқорида таъкидлаганимиздек, "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси харажат йўналишлари ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан биргаликда уларнинг ўқиш харажатлари, даволаниш, нотурар жойларини сақлаш, касб-хунарга ўқитиш харажатларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиб, бундан ташқари психологик маслаҳатга муҳтож ёшларга ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда нодавлат таълим ташкилотлари томонидан пулли психологик хизмат кўрсатиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш, ёшларнинг эҳтиёжлари ва хоҳиш-истакларини ўрганиш натижалари бўйича уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, Беш муҳим ташаббусни рўёбга чиқариш ва унинг доирасидаги тадбирларни молиялаштириш, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган бошқа харажатларни қоплашга йўналтирилади [6].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги 132-сонли "Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида "Ёшлар дафтари" жамғармасининг молиявий бошқарув асослари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Яъни унга кўра, "Ёшлар дафтари" жамғармаси ҳуқуқий мақоми жиҳатдан юридик шахс ҳисобланмайди, унинг маблағлари туман (шаҳар) ғазначилик бўлинмаларида алоҳида очилган шахсий ғазна ҳисобварақларида йиғилади ва жамғарма белгиланган тартибда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Хулоса. Таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда уни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларидан ташқари махсус фондлар ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Махсус фондлар йўналиши нафақат тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёшларни қўллаб қувватлаш, шунингдек, ёшларнинг

ижтимоий муаммоларини ҳам ҳал этишга қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Фикримизча, бу каби махсус фондларнинг молиявий манбаларини шакллантиришда молиялаштиришнинг инновацион усулларидан ҳам кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, жаҳон амалиётида ўз самарадорлигини кўрсатиб келаётган (АҚШ, Германия, Россия ва шу каби давлатлар тажрибасида қўллаб келинмоқда) усуллардан бири – Фандрайзинг молиялаштиришдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Мазкур тажрибани Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва унинг қошидаги 16 та нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини молиялаштириш учун қўшимча манба сифатида татбиқ этиш ўз самарасини беради.

Ёшлар ўртасида ўтказилган турли хил ижтимоий сўровлар, айрим ёшлар томонидан билдирилаётган ташаббуслар кўрсатмоқдаки, Ёшлар жамғармаси орқали дастлабки сармоя олган ва ҳозирги кунда ўз тадбиркорлигини ривожлантиришда молиявий жиҳатдан юқори имкониятга эга тадбиркорлик субъектлари ҳам борки, улар гуманитар йўналишда ўз маблағларидан уларга биринчи тадбиркорлик қадамларига муҳим молиявий кўмак берган Ёшлар иттифоқига ҳам молиявий маблағ ажратиш истаги борлар учун имконият беришнинг бир шакли сифатида айнан Фандрайзинг молиялаштириш фонди муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни, 2016 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сонли фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси”.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 ноябрдаги ПФ-6118-сонли фармонининг 12-банди.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 11 мартдаги “Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 132-сонли қарори.
7. Fry J. Basic directions of the concept of state youth policy/Basic Elements of the state youth policy in the Czech Republic. 2007; Quinn W. Trends in Youth Development Topics: An Integrative Review of Positive Youth Development Research Published in Selected Journals Between 2001-2010 // Journal of Youth Development. 2011. Volume 6. Number 3.Fall; Hamilton, S.F., Hamilton, M.A., & Pittman, K.J. Principles for youth development. In S.F. Hamilton & M.A. Hamilton (Eds.). The youth development handbook: Coming of age in American communities. Thousand Oaks, CA: Sage Publications. 2004.
8. Horelli L. Ladder for participation of children in planning processes” For Germany. 1994; Feldmann-Wojtachnia,
9. E. Identität und Partizipation. Bedingungen für die politische Jugendbildung im Europa der Bürgerinnen und Bürger. Munich 2007; Fatke,R., Schneider H. Die Beteiligung junger Menschen in Familie, Schule und am Wohnort. In Bertelsmann Stiftung (ed.) Kinder- und Jugendbeteiligung in Deutschland. Entwicklungsstand und Handlungsansätze. Gütersloh: Verlag Bertelsmann Stiftung, 2007. 59-84.
10. Costello J., Toles M., Spielberger J., Wynn J. How history, ideology, and structure shape the organizations that shape youth. // P.L. Benson & K.J. Pittman (Eds.). Trends in youth development: Visions, realities, and challenges . Boston, MA: Kluwer Academic Publishers. 2001.
11. Арёфьев А.Л. Молодежные обмены между Россией и Германией: статистический и социологический анализ. – М.: Центр социального прогнозирования, 2008. – 340 с.
12. Афонина В.Н. Государственная молодежная политика в современной России: взаимодействие институтов государства и гражданского общества: Дис. канд.политол. наук. – Ростов-на-Дону: Сев.-Кавказ. акад. гос. службы, 2002.
13. Калинин М.Ю. Государственная молодежная политика Японии, США, Швеции и Германии. // Российский экономический интернет-журнал. URL: <http://www.e-rej.ru/Articles/2006/Kalinkina1.htm> (дата обращения: 01.10.16)
14. Красникова Н.М. Взаимодействие и взаимовлияние молодежной политики и молодежного движения в современной России: Дис. канд. полит.наук. Пермь: Перм. гос. университет, 2008. – 282 с.
15. Мезенцева А.А. Особенности молодежной политики России и стран Европы (на примере Германии). // Студенческие научные исследования. 2014. № 9. URL: <http://student.snauka.ru/2014/11/2293> (дата обращения: 10.09.16)
16. Сафонова А.С. Молодежная политика и молодежь в политике: зарубежный опыт. // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики. 2013. № 2-2. С. 166-174.
17. Степанищенко О.В. Актуальные проблемы формирования молодежной политики в Российской Федерации. // Научный журнал КубГАУ. 2012. № 84(10). С. 1008-1018.
18. Стрешнева М.В. Наднациональность и принцип субсидиарности в Европейском союзе и за его пределами. // Мировая экономика и международные отношения. 2016. 60 (6). С. 5-14.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Yoshlar – kelajagimiz” давлат дастури тўғрисидаги ПФ-5466-сонли фармони.
20. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.